



07.10.2022 даги

0000 "MIRZOBEK STROY MONTAJ" ва Хокимият города Бухары (Фонд) ўртасида 349205000,00 сўм умумий
суммага тузилган 200 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 018
Шахсий ғазна ҳисобварақ 305122860064017109602018001

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда
	4821190			Жами
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь	349 205 000,00			349 205 000,00
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	349 205 000,00			349 205 000,00

Жами 349205000,00 сўм

Уч юз қирқ тўққиз миллион икки юз беш минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан 104761500,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
70 % ***2022 Октябрь ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;


(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).


Буюртмачи раҳбари



Буюртмачи бош бухгалтери


(имзо)

Насиров Джамол Шухратович
Ф.И.Ш.


(имзо)

Яшина Ирина Михайловна
Ф.И.Ш.

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №200

«07» 10 2022 й.

Бухоро ш.

"Mirzabek stroy montaj" МСНҲ (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи рахбари Н.Шодмонов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Бухоро шаҳар хокимлиги (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Ж.Носиров (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

- 1.1. "Ушбу шартнома буйича "Пудратчи" «Буюртмачи»нинг буюртмасига кўра, Бухоро шаҳар Мустақиллик 47- уйда жойлашган оилавий ётоқхоналарни жорий тамирлаш «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.
- 1.2. Ушбу шартноманинг умумий суммаси (ҚҚС билан) 349 205 000 сўмни ташкил этади.

II. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

- 2.1. «Буюртмачи» томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг қиймати 349 205 000 сўмни ташкил қилади.
- 2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши «07» 10 2022 йил.
- 2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти «31» 10 2022 йил.

III. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

- 3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.
- 3.2. Шартномадаги 4.1 бандида курсатилган авансни «Пудратчи» олгандан сунг таъмирлаш ишларини бошлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги 1154-сонли фармонида асосан барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган (бажариладиган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 30 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатилиши тақиқланган. "Пудратчи" мазкур фармонга амал қилиши шарт.
- 3.3. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган таъмирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.
- 3.4. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.
- 3.5. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сунг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

IV. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

- 4.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи ҚҚС билан 349 205 000 сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30 % ёки 104 761 500 сўм миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг октябр ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сунг амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 244 443 500 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов 2022 йил «31» 10 гача амалга оширилади.
- 4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.
- 4.3. «Пудрат» ташкilotи томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

V. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Пудратчи:

5.1. Шартнома баҳоси 349 205 000 сўм бўлган таъмирлаш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

5.2. Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилади.

5.3. Ҳар ҳафтанинг душанба кунда жорий ҳафтада бажарилган таъмирлаш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тўғрисида 5-сонли далолатномани тузади.

Буюртмачи:

5.5. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

5.6. «Буюртмачи» тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 5-сонли далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди.

6.2. Пудратчи томонидан хизматларни бажариш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ бажарилмаган ҳолларда, пудратчи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

6.4. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни ишларни бажариш муддатларини кечиктириб юбориш ёки тўлиқ бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига асосан иқтисодий судларда ҳал этилади.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1 Мазкур шартнома 2022 йил «07» 10 дан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

IX. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

9.1. 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2850-сон билан руйхатга олинган «Бюджет тизими Бюджетларининг Ғазна ижроси қоидалари 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 121 ва 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари

хисобида капитал курилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган.

Х. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

"Mirzabek stroy montaj" MCHJ

(етказиб берувчининг номи)

Манзил Мондор мондорчи

Тел./факс :

Х/р 20208000600908984001

Банк номи : Милк рох кредит банк

МФО 00108 ИНН 305693851

Рахбар

Н. Шодмоков

(имзо)

(Ф.И.Ш)



«БУЮРТМАЧИ»

Бухоро шаҳар ҳокимлиги (Аёллар дафтари жамғармаси)

Манзил: Бухоро ш. И.Мўминов 2- уй

Тел./факс 65-223-03-88

ш/х.в 305122860064017109602018001

бюд.маблаг олувчи СТИРи 201512535

ОКОНХ 97600

Ғазначилик бўлинмаси номи

Бухоро шаҳар ғазначилик бўлинмаси

Ғаз./х 23402000300190001010

Банк номи Марказий банк Тошкент ш

МФО 00014

ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Рахбар

Ж.Носиров



М.Ў.